

## Regard To The Uzbek Translations Of Don Juan

Alimova Shahnoza

Termez branch of Islam Karimov Tashkent State Technical University

**Abstract.** In this article Bayron's poetical novel "Don Juan" which is spoken in uzbek translations.

**Key words:** Knight, type, sonnet, translation, comparison, adventure, palace, representative, creative, work, writer.

Дон Жуан образи сифатида испан халқи оғзаки ижодида йўғрилиб, бутун Европа халқлари адабиётидан мустаҳкам жой олишга улгурган бадий қаҳрамондир. У Европада ижод этилган талай дабиёт ва санъат асарларининг етакчи қаҳрамони, шунингдек, маишатбоз, ахлоқий ва диний меъёрларни писанд қилмай, ҳаётини айш-ишратга бағишланган рицарь образидир. Унинг биринчи бадий талқинини испан драматурги Тирсо де Молина (асл исми шарифи Габриэл Телес, 1571 ёки 1533 – 1648) нинг "Севилиялик шўх бола ёки Тош меҳмон" (1630) пьесасида кузатиш мумкин. Тирсо де Молина асарида Дон Жуан аёлларни йўлдан уришга устаси фаранг, ғоят қитмир шахс кўринишда тасвирланади. Бир сўз билан айтганда Тирсо де Молина томонидан бадий адабиёт оламига олиб кирилган Дон Жуан интимой тип (нусха) даражасига кўтарилди. Бу эса Европа бўйлаб кўплаб ёзувчи, муסיқачи ва рассомларнинг Дон Жуан образига бўлган қизиқишини оширди (3–С.712). Тирсо де Молинадан сўнгра Дон Жуан образига француз драматурги Мольер (асл исми шарифи Жон Батист, Поклен, 1622 – 73) мурожаат қилиб, ўзининг "Дон Жуан ёхуд Бағритош меҳмон (1663) номли машҳур реалистик ҳажвий комедиясини яратди. Мольер бу образга жиддий муносабатда бўлиб, Дон Жуан ҳақидаги халқ афсоналарини қайта ишлаб,

роса ўрганиб, яратилажак қаҳрамонига кўп жиҳатдан анча сайқал берди (3–С.654). Австралиялик бастакор ва созанда Волфанг Амадей Моцарт (1756 – 91) ҳам "Дон Жуан" (1787) опера драмасини адабиёт муҳибларига тухфа қилди (9–Б.100). Кейинчалик немис ёзувчиси, бастакори ва рассоми Эрнст Теодор Амадей Гофман ( 1776 – 1822) "Дон Жуан" хикоясини ёзди ( 2–С.584). Шу тариқа Дон Жуан ҳақида кейинчалик француз ёзувчиси Мюссе де Альфред (1810 – 57), инглиз адиби Байрон ( Жорж Ноэл Гордон (1788 – 1824) ва рус шоири А.С. Пушкин (1799 – 1837) ларнинг асарлари дунёга келди (8- Б.349). Э. Т. А. Гофман ва А.Мюсселарнинг асарларида Дон Жуан ўзбошимча, хаёлпараст, назокатгўй, иззатталаб, иззат-икром кидирувчи шахс тарзида намоён этилса, Байрон ва Пушкинда тамоман ўзга манзарага дуч келамиз. Чунончи Байронда у шахс озодлиги йўлидаги исёнкор бўлса, Пушкиндаги Дон Жуан инсоний қонунларни поймол этувчи худбин шахс сифатида талқинини топган (10– Б.96 – 97). Шу ўринда бир эслатма, ҳатто А. С. Пушкин ўз навбатида А. Мюссе ҳақида ва унинг асарлари борасида фикр-мулоҳазалар изҳор этгани диққатга сазовор ҳодиса (5-С.145).

Байрон қаламига мансуб "Дон Жуан" шеърий романи адиб ижодининг чўққиси ҳисобланади, шоир қаҳрамон саргузашти воқеаларини XVIII асрга кўчиради. Шу боис китобхон XVIII асрга тааллуқли муҳим воқеалар, давлат арбоблари ва саркадалари фаолияти билан танишиб боради. Бу Байрон яшаб турган даврининг ва ижтимоий тузумининг муҳим ҳодисаларини соқит этган деган фикрга бориш учун асло асос бўлмайди. Байрон ўз қаҳрамони Дон Жуан саргузаштлари орқали ўзи яшаган замин ва айниқса, замоннинг долзарб сиёсий- ижтимоий муаммоларга танқидий муносабат изҳор этади (1– Б.93). Байроннинг бир қатер шеърлари ва айрим асарларининг ўзбек тилига таржималари Ҳамид Олимжон (1909 – 1944), Мақсуд Шайхзода (1908 – 1967), Шукрулло (1921), Жуманиёз Жабборов (1930 – 2010), Муҳаммад Али (1942), Рауф Парфи (1943 – 2005) каби ижодкорларимиз қаламига

мансуб (2–Б.7 – 40). Шунингдек, Байроннинг "Туш" ( тўққиз шеърдан итборат), "Шийон тутқуни" (ўн тўрт шеърдан иборат) асарлари Муҳаммад Али ва "Манфред" драматик достони Рауф Парфилар ўзбек тилига ўгирганлар. Кейинги йилларда шоирларимиздан Абдулла Шер (1943) ва Сулаймон Раҳмон (1946 – 2019) лар Байроннинг "Дон Жуан" асари таржимаси билан шуғулланиб, ўзбек китобхонларини ушбу асарга ошно этишди. Қизиғи "Дон жуан"ни Сулаймон Раҳмон рус тилидан, Абдулла Шер эса бевосита инглиз тилидан таржима қилди ва бу борада ажойиб қадамлар қўйилди. Сулаймон Раҳмон "Дон Жуан" нинг олтинчи ва саккизинчи кўшиқларини таржима қилишга улгурган, холос. Тўғри асарнинг учинчи кўшиғи таржимаси ҳам Сулаймон Раҳмон қаламига тааллуқлилиқ касб этади. Ана шу учинчи кўшиқни инглиз тилидан Абдулла Шер ҳам ўгирган бўлиб бир пайтлар икки таржимадан айрим парчалар (атиғи саккиз сонет шеърдан иборат) ёнма - ён тарзда "Шарқ юлдузи" журнали саҳифаларида эълон қилинган эди.

Башарти ихтиёримиздаги А.Шер ва С.Раҳмон юқорида таъкидини топган таржималарининг Н.Дояконованинг рус тилидаги ўгирмаси билан муқояса этсак, ўзбек тилидаги таржималарнинг моҳияти равшанлашади. Қиёснинг тўқис ифодасини англаш учун аввал русча матнни, сўнгра ўзбек тилидаги матнларни келтириш мақбул топилди.

Н.Дояконова:

Лишь в первой страсти дорог нам любимый.

Потом любовь уж любят самоё,

Умея с простотой неоценимой,

Как туфельку, примеривать ее!

Один лишь раз любим неповторимый,

Преобразивший наше бытие,

Затем число любимых возрастает,

И это милой леди не мешает.

А.Шер:

Аёлга азиздир илк севги, бироқ  
Кейинги муҳаббат саналмас камёб,  
Бир одат тусига кирар у шундоқ,  
Гўёки ечилур кийилган қўлқоп,  
Буни тажрибада қийинмас кўрмоқ:  
Даставвал илк хуштор унга завқиёб,  
Сўнг ортиб бораркан жазманлар сони  
Барини завқиёб ҳисоблар хоним.

С.Раҳмон:

Ёрнинг илк висоли шириндир албат.  
Сўнг қадрин йўқотар ҳар қандай висол,  
Сўнг талаб қилмас у сиздан маҳорат,  
Ҳар кун кийилувчи пояфзал мисол.  
Бир бора бетакрор севамиз фақат,  
Бир бор ҳаётимиз эврилур хушҳол,  
Сўнгра маъшуқамиз кўпаяр, хуллас,  
Бу дилкаш леди ҳам халақит бермас.

Энди ана шу учта матнни ўзаро солиштириб кўрсак, қуйидаги манзара намоён бўлади, яъни таржималарнинг биринчи тўрт мисрасига диққат қилайлик. Таржималарда рус тилидаги матнда мавжуд туфелка сўзида фарқлар бор, А.Шер қофия талабидан келиб чиқиб камёб сўзига қўлқопни хамоҳанглигини таъминлаш ниятида шуни маъкул топган кўринади. Аммо С.Раҳмон туфелкани аниқ ҳолатда пойафзал деб таржимада тўғри йўл тутган дейишга асос яратади, илк тўрт мисрадаги қолган ўринлар мазмунда

муштарак. Иккинчи тўрт мисралар таржимасида турличалик бордек туюлса-да, аслида мазмунан бир хиллик устувор даражада.

Учинчи кўшиқнинг тўртинчи сонети (саккизлик шеър тури) таржимасида янада мароқли ўринлар кўзга ташланади. Ҳар икки ижодкор ушбу ўринда ҳам ўзларининг чинакам санъаткорлик маҳоратларини намойиш этган десак заррача муболаға қилмаган бўламиз, узоқ бормай мисолларга диққат қилсак,

Н.Дояконова:

Не знаю я, винить ли в том мужчин  
Иль женцин, но уж так всегда выходит:  
Коль сделаться ханжой ей нет причин  
Она себе любовников находит.  
Конечно, первый у нее один,  
Но время и другим она отводит.  
Уж ежели с одним она грешна  
Одним не ограничится она.

А.Шер:

Билмайман, айбдор аёлми, эркак?  
Аммо рўй беради шу ҳол ҳар қачон  
Гоҳ бутун, зерикиб, қилмаса эрмак.  
Чун жазман тотини бир билган жувон  
Такроран қўмсайди бу тотни бешак,—  
Унутмай юрса ҳам илк ёрин ҳамон:  
Гар аёл бир олса ёт эркак исин,  
Сўнг ҳидлар албатта у иккинчисиню

С.Раҳмон:

Билмадим, эркакми, аёлми айбдор,  
Ва лекин шундай ҳол рўй берар яккаш:  
Гар аёл риёкор бўлмокқа бирор  
Сабаб тополмаса – топади ўйнаш.  
Тўғри, аввалига топар бир хуштор,  
Сўнг қилар ўзгаю ўзга бирла айш.  
Аёл битта билан қилдими роҳат,  
Бас, энди биттага қилмас қаноат.

Юқоридаги матнларни қиёсласак, анча нарса равшанлашади, масалан Н.Дояконова русча С.Раҳмоннинг ўзбекча таржимасида яқинлик анча сезиларли ҳолатда, фақат биринчи ва иккинчи мисраларда озгина чалкашлик бордек туюлади, бироқ А.Шерда ана шу мисралар билан русча мисралар гоят яқин эканини айтиш жоиз.

Ана шу хил чоғиштириш таҳлилини Н.Дояконова ва С.Раҳмоннинг олтинчи кўшиғи билан амалга оширсак, С.Раҳмонга хос ҳам маҳорат, ҳам жузъий камчиликлар ошкорлашади. Олтинчи кўшиқнинг илк сонетини таққослаб кўрайлик, чунончи русча ва ўзбекча матн орасида айрим фарқлар сезиларли даражада экани хайратланарли ҳолатда! Матнларни чоғиштирамиз;

С.Раҳмон:

Шекспир дейдики, одамзод ишин,  
Тўлқиндай ёприлиб келмоқлари бор.  
Ундан фойдаланиб қололган киши  
Мурод - мақсадига етар устувор:  
Аммо гап шундаки, омад келишин  
Айни ўз вақтида илғамоқ даркор, –  
Мен дадил дейманки, қаро дамда ҳам

Омад нури бўлар бизларга ҳамдам.

Н.Дояконова:

Приливы во всех делан людских,  
И те, кто их использует умело,  
Преуспевают в замыслах своих,  
Так говорит Шекспир: но в том и дело.  
Что вовремя увидеть надо их,  
А вес - таки я заявляю смело:  
Все к лучшему! И всамый черный час  
Вдруг луч удачи озаряет нас.

Агар русча маттни ўзбеклаштирсак қуйидагича мазмун келиб чиқади:  
Одамзод юмушин барида тўлқин бор, кимки ундан фойдаланса унумли, у  
шубҳасиз етар орзу - ниятига дер Шекспир. Аммо гап шундаки, уни вақтида  
англамоқ лозим, ҳар қалай мен дадил айтаманки, бари яхшиликка! Ҳатто  
қора кунда ҳам бизни омад нури ёритар. Англашиладики, Шекспир (1564 –  
1616) нинг “Юлий Цезар” асаридан парча келтирилмоқда, таассуфки ўзбекча  
таржимада русча матндан озгина чекиниш борлиги яққол сезилмоқда!

### Адабиётлар рўйхати:

1. Азизов Қ., Қаямов О. Чет эл адабиёти тарихи (XVIII – XX асрлар):  
Пед. Инс-т.филол. фак. учун дарслик. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987. –  
336 б.
2. Байрон. Сайланма. Шеърлар, достон, драматик достон. – Тошкент:  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 152 б.
3. Литературный энциклопедический словарь. – М.: Сов. энциклопедия,  
1987. – 752 с.

4. Мирвалиев Собир, Шокирова Рихсия. Ўзбек адиблари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матба ижодий уйи, 2016. – 436 б.
5. Пушкин А.С. Об Альфре де Мюссе. Полн. собр. соч. том 7. – Ленинград, 1987. – С.145.
6. Сулаймон Раҳмон. Байрон. Дон Жуан. Рус тилидан таржима. Интернет орқали “Хуршид Даврон кутубхонаси”дан олинди.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1- жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – 736 б.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 - жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 704 б.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6 - жилд. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 704 б.
10. Ўзбекистон Совет Энциклопедияси. 4 том. – Т.: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1973. – 640 б.